Кучли таквоси ва нихоятда адолат билан иш юритгани учун Ислом тарихида «Иккинчи Умар» номини олган Умар ибн Абдулазиз хукмронлиги даврини баъзан Хулафои рошидин (тўгри йўлдаги тўрт халифа) замони билан киёслашади. У хижрий 99-101 (милодий 718-720) йиллари Ислом давлатига рахбарлик килди.

Мусулмон тарихчилари маълумотларига кўра, у узок йиллар исломий билимларни, айникса фикхни ўрганди. Халифа Валид даврида у Мадина волийи (хокими) эди, Сулаймон ибн Абдулмалик эса уни ўзига ворис килиб тайинлади. Волийлиги охиригача у барча умавийларга хос бўлган хаёт тарзини танлади: хою хашамни ёктирар, ноёб кийимлар кияр эди. Бирок Мадинадаги хокимлигининг охирги ойларида бирдан ўзгариб колди. Хаётидаги бу ўзгаришга бир фожиага иштирокчи бўлиб колганини сабаб килиб кўрсатишади.
Халифа Валид ибн Абдулмалик волийга собик халифа Абдуллох ибн Зубайрнинг ўгли Хубайбни каттик жазолашни буюради. Буйрукни бажаришга киришган Умар ибн Абдулазиз уни дарахтга боглаб кўйишни топширади. Кейин махбус устидан совук сув куйиб, киш куни масжид ховлисида банди холда колдиришади. Хубайб кийноклардан ўлиб колади.
Ислом тарихчилари хабар беришларича, Хубайб вафотидан кейин Абдулазиз ўзини кўйгани жой тополмай колади. У тинмай тавба-тазаррулар килар, Хубайбга аза чекар, куну тунини ибодат билан ўтказар эди. Амалда у ўзининг бевосита вазифаларини адо этишни хам эсдан чикаради. Бироз вакт ўтганидан кейин эса, истеъфога чикиб, Шомга кетиб колади. У ерда зухд ва такво билан хаёт кечирди, одамларга панду насихатлар килди, халифаларга маслахатлар бериб турди, хатто улардан адолатсиз хукмдорларни жазолашни талаб этди. У амалдорларни халкка адолат килишга, Аллох олдидаги масъулиятларини хамиша эсда тутишга чакирди. Оила аъзоларининг байтулмолдан (давлат хазинасидан) олган барча маблагларини жойига кайтаришни талаб этди. Хатто хотини Фотима олдига шарт хам кўйди: ё олтин ва кимматбахо тошлардан ясалган маржонингни хазинага топширасан ёки сен билан ажарашаман. Фотима маржонни хазинага топширди.
Халифа этиб тайинлангач, Умар оилавий харажатларини кескин камайтирди. У байтулмолдан хеч нарса олмасликка касам ичди ва Сувайддаги (Шом якинидаги мавзе) еридан келадиган икки юз динор микдоридаги йиллик даромад хисобига хаёт кечирди. Харбий юришлардан келадиган ўлжадан бирор дирхам (кумуш пул) хам олмас эди. Иш шунга бориб етдики, атрофидагилар унга тўгри йўлдаги халифа Умар (яъни, боболари) хам ўта такволи, иймонли ва адолатпарвар бўлганлари холда давлат хазинасидан бироз нафака олиб турганларини эслатишди. Бунга у Умар ибн Хаттобнинг хеч кандай мол-мулки бўлмаганини, ўзида эса мулк борлигини рўкач килди.
Иккинчи Умар ўз фукароларига эркин харакатланиш хукукини берди, мусофирлар учун карвонсаройлар курдирди, кўплаб кудуклар казитди, йўллар чикарди. У ўтказган иктисодий ислохотлар натижасида ахолининг яшаш даражаси анча ошди – халифалик худудида бирорта хам кашшок колмади. Кишилар турмуши шунчалик яхшиландики, закот оладиган одам хам топилмай колди. У давлат амалдорларининг хизмат вазифаларини суиистеъмол килмасликлари, пора олмасликлари, давлат хазинасидан ўмармасликлари ва тамаъгир бўлмасликлари учун улар маошини оширди. Умар ибн Абдулазиз адолатсиз

хукм юритган ва давлат маблагларини талон-тарож килган волий ва давлат амалдорларини ишдан олиб ташларди. У фаол даъват ишларини олиб борар, мусулмон уламоларини иззат-икром килар ва рагбатлантирар эди. Унинг хукмронлиги даврида халифаликнинг кўплаб ахолиси Ислом билан шарафланди.
Унинг замонида турклар Озарбойжонга хужум килиб, кўплаб мусулмонларни кириб ташлашди. Бунга жавобан Умар ибн Абдулазиз уларга карши Хотам ибн Нўъмон ал-Бохилийни юборди. Унинг ўрдуси (армияси) туркларнинг кўпини маглуб килди, оз сонли жангчиларгина кочиб кутилишди. Бир пайтнинг ўзида Византия билан хам уруш борарди. Гарбий Оврупада Шамс ибн Молик ал-Куланий кўмондонлигидаги кўшинлар Пиренея тогларидан ўтиб Септимания ва Провансни (Франсия жанубидаги тарихий вилоятлар) эгаллашди. У ердан Аквитания вилоятига бостириб кириб, Тулузани камал килишди. Бирок герсог Аквитанияский катта ўрдуси билан мусулмонларга зарба беришга эришди. Жангда Шамс халок бўлди, колган мусулмон сарийялари (отрядлари) Нарбонига чекинишди.
Халифа Умар ибн Абдулазиз хижрий 101 йил ражаб ойида Дамашкда ўз аъёнларининг фитнаси курбони бўлди. Улар Умарнинг ўзидан кейин халифаликни Язид ибн Абдулмаликка топширмай кўйишидан кўркиб, бу мудхиш жиноятга кўл уришган эди.

Ойдин Ориф ўгли АЛИЗОДА,
фалсафа фанлари доктори (Боку).